


Ўзбекистон Республикаси  
“FTF-LEA-AUDIT”

Аудиторлик ташкилоти  
100003, Тошкент ш, Чилонзор тум.,  
Олмазор мавзе, 8/1 уй, 2-йўлак  
тел.: (71)245-23-37, (90)998-19-28,  
(90)808-60-94  
E-mail: [ftf-audit@vandex.ru](mailto:ftf-audit@vandex.ru)



Республика Узбекистан  
Аудиторская организация  
“FTF-LEA-AUDIT”  
р/сч. 20208000104132780001, в ЦОРФ  
“УЗПРОМСТРОЙБАНК”, МФО:00442,  
ИНН: 203677795, ОКЭД: 69202  
Сайт: <http://www.ftf-centre.uz>

2021 йил “30” апрел

№ “21-112”

«TOSHKENT SHAHAR ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI»  
Аксиядорлик жамияти таъсисчилари ва  
раҳбариятига

## МУСТАҚИЛ АУДИТОР ҲИСОБОТИ

### БУЮРТМАЧИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ:

Номи: «TOSHKENT SHAHAR ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI» Аксиядорлик жамияти  
Манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А. Темур берк кўчаси, 6-уй  
СТИР: 201052490, ИФУТ: 35140

### АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Номи: МЧЖ АТ “FTF-LEA-AUDIT”

Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор массиви, 8/1 уй, 2 кириш.

Давлат рўйхатидан ўтганлик гувоҳнома: 2001-йил 31-июлда берилган № 663 сонли  
гувоҳнома

Лицензия: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2019 йил 1-апрелда  
берилган АФ № 00747 сонли Лицензия.

Биз «TOSHKENT SHAHAR ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI» Аксиядорлик жамиятининг  
2020 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан,  
кўрсатилган санада тугаган йил учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботдан, хусусий  
капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботдан ва пул оқимлари тўғрисида ҳисоботдан  
иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

### Компания раҳбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

Компания раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси  
бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш, шунингдек  
Компания раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб  
кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган  
ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

### Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган  
аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро  
стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни  
бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд

эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далиллари олиш учун тартиб – таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар таваккалчиликларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай таваккалчиликларни баҳолашда, компания ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб – таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Фикр

Бизнинг фикримизча, «TOSHKENT SHAHAR ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI» Акциядорлик жамиятининг 2020 йил 31 декабр ҳолатидаги 2020 йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботлари барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган.

Файзиева М.Т.

МЧЖ "FTF-LEA-AUDIT" АТ Бош директор

Бердиев Ф.В.

Аудитор.

2021 йил 30 апрел.

Тошкент, Ўзбекистон Республикаси

